



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2010 йил 25 МАЙ, СЕШАНБА

**XXI** сандоси  
аср  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (11.661)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 май куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг иштирокчиларини қабул қилди.**

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида бўлажак саммитта тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди ҳамда саммитда қўриб чиқиладиган ҳужжатлар белгилаб олинди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши ШХТни янада ривожлантириш ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, — деди Президент Ислам Каримов.

Оқсаройдаги учрашувда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўлажак мажлисига тайёргарликнинг бориши муҳакама қилинди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар қўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ШХТнинг турли тузилмалари томонидан қарорлар қабул қилиш механизмларини оптимallasштириш ва янада тақомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратди. Учрашув катташчилари давлатимизнинг ШХТ нуфузини янада ошириш, Марказий Осиёда сармоявий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятта эга эканини таъкидладилар.

Мехмонлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг ШХТни ривожлантириш стратегиясини белгилашдаги, шу билан бирга ҳозирги замон халқаро сиёсатида оид қўлаб масалалар бўйича фаол позицияси юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг бундай нуфузли халқаро ташкилотга раис сифатидаги фаолияти натижасида БМТ Бош ассамблеяси бир овоздан БМТ билан ШХТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Резолюцияни қабул қилди, шунингдек, ушбу ташкилотлар котибиятларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжатларда икки ташкилот ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ва истиқболлари белгилаб берилган.

ШХТга аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳамалари делегациялари раҳбарлари самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик изҳор этиб, Тошкентда бўлажак ШХТ саммити тadbирлари юксак савияда ўтишига ишонч билдирдилар.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ

### БИР КУНИ



**Мактаб — қутлуғ гўша, келажак остонаси. Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Илму маърифат ўчоғи бўлган мактабларнинг миллат келажағи, Ватан равнақи йўлида ўрни бекиёс.**

### Сўнги кўнғироқ

## ХАЙР МАКТАБ, ҚАДРДОН МАСКАН

Айтиш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз томонидан ёшларга чексиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Фарзандларимизнинг билими, ҳунарли, ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Бугун республика-миздаги барча мактабларда ўқув йили якунига етиб, сўнги кўнғироқ садолари янграганида, кўнғилмиздан шу фикрлар ўтди. Қўлларига гулдасталар тутган ўқувчиларнинг, айниқса тўққизинчи синф битирувчиларининг қалбида чексиз қувонч ва ҳаяжон. Улар бугун қадрдон мактаби, меҳрибон устозу муаллимлари, жонажон синфдошлари билан хайрлашиб, катта ҳаёт сари қадам ташламоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактабда ҳам эрта тонгда ўқув маскани ҳовлиси байрамона безатилиб, юзкўзларидан севинч порлаб турган ўқувчилар саф тортишди. Тадбир Ватанимиз мадҳияси билан бошланди. Сўнги кўнғироқ тadbирини тўққизинчи синф ўқувчилари вақиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, кўлаб меҳмонлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар шу қутлуғ даргоҳда билим олиб, эндиликда мустақил ҳаёт битирувчилари қадрдон ва меҳрибон устозларига таъзим айланди.

Сўнги кўнғироқ тadbiri байрамга айланиб кетди. Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилиб, қувноқ куй-қўшиқлар янгради, шўх рақслар ижро этилди. «Энг ташаббускор устоз», «Фан ойлиғи қолиби», «Энг зукко ўқувчи», «Спорт устаси» сингари номинациялар бўйича фаол ўқитувчи ва ўқувчилар фахрий ёрлик-лар билан тақдирланди.



Маърифатга интилиш — халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир, — дейди мактаб директори Шаҳноза Қосимова. — Давлат умумийлик дастурига асосан мактабимиз капитал реконструкциядан чиқарилди. Спорт зали янгитдан қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бизнинг даргоҳда 600 нафар ўқувчи таълим олади, бу йил 9-синфни 65 ўқувчи битирмоқда. Ўқувчилари-миз фан олимпиадаларида қатнашиб, муносиб ўринларга сазовор бўлган. Устоз-шоғирд мактаби изчил йўлга қўйилган. Ўқитувчилари-миздан Исроил Йўлдошев «Йилнинг янғ яхши фан ўқитувчиси» танловининг республика босқичида иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллади. Бундай ютуқларимиз бисёр. Мақсадимиз ёшларимиз юртимизга муносиб инсон бўлиб етишсин.

Дарҳақиқат, барчамизнинг эзгу ниятимиз муносиб фарзандни вояга етказишдир. Бугун ойдан орзулар қанотидан юксакларга интилаётган ёшларимизга парвозингиз баланд бўлсин, юксак чўққиларни забт этинг, дея ният қилиб қоламиз.

**ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: сўнги кўнғироқ тadbирининг лавҳалар**  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 22 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси Давлат котиби — ташқи ишлар вазири К.Саудабоев, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Цзэчи, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари — Қирғизистон Республикасининг ШХТ миллий мувофиқлаштирувчиси Т.Макеев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири С.Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳ.Зарифий ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов иштирок этди.

Мажлисида ШХТ Бош котиби М.Иманалиев ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Ж.Жуманбеков иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов делегациялар раҳбарларини қабул қилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси Ўзбекистон томони раислигида ўтди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси (Тошкент, 2010 йил 10-11 июнь) тайёргарлик юзасидан Ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор долзарб вази-фалар қўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фанлар академияси тарих институти ҳамда «Шарқ аёли» маркази ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати ёшларга тарих фанидан сабоқ беришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** давлат техника университети томонидан Навоий давлат кон-дучилик институти билан ҳамкорликда мутахассислар иштирокида ташкил этилган

тadbирда кончилиқ соҳаси-ни янада ривожлантиришда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирокида ёшлар тарбиясини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий саводхонликнинг аҳамиятига бағишланган тadbир ўтказилди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутатлари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

• 28-30 май кунлари Андижон шаҳрида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтади.

• Нукусда «Миллий кўғирчоқлар — маънавиятимиз кўзгуси» мавзуида маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Ўзбекистон «Хунарманд» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан аёлларни касбга йўналтириш, улар ўртасида тadbиркорликни ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган тadbир бир ҳафта давом этади.

• Бўстонлик туманида «Менинг оилам», «Оилам муқаддас кўргоним», «Оилам билан фахрланаман» мавзуларида иншо ва расмлар танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда вилоятдаги иқтидорли, фаол ёш оилалар, балоғат ёшига етган, мустақил оила қуриш бўсағасида турган 80 нафар ёшлар қатнашди.

• Наманган вилоятида аёллар касалликлари профилактикаси ойлиғи бўлиб ўтмоқда. Бу ерга республика онкология маркази шифокорлари келиб, Косонсой, Уйчи, Чортоқ туманларидаги шифохоналарда даволанаётган аёллар билан мулоқотда бўлишди. Шунингдек, ойлик доирасида шифокорлар Наманган тиббиёт коллежи ўқувчи ва ўқитувчилари билан ҳам учрашди.

• Урганчда уч йилда бир марта ўтказиладиган ёш мусикачиларнинг республика кўрик-танлови ташкил этилди. Унда болалар мусика мактабларининг ўқувчилари бўлмиш уч юздан ортик ёш иқтидорлар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

## ЖАҲОНДА

• Италия бюджети тақчиллиғи ва ташқи қарзини қайтариш режалари бугун мамлакат ҳукуматининг йиғилишида тасдиқланиши кўзда тутилмоқда. Унга қўра Италияда кейинги уч ярим йил ичида 24 миллиард евро кўчаридаги маблағни ижтимоий сарф-харажатлар ҳисобига тежаш режалаштирилган.

• Эфиопияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг 11 та минтақасидан тўққизтасида қўли баланд келган мамлакат бош вазири Милес Зинья бошчилигидаги партиянинг ғалаба қозонгани маълум қилинди.

• Жорий йилнинг 7 июнидан бошлаб Россия ва Бразилия ўртасида ўзаро борди-келдилар визасиз тартибда амалга оширилади. Бу борадаги ўзаро битим 2008 йилда имзоланган бўлиб, жорий йилдан қучга қиради. Шу муносабат билан тўғридан тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масаласини ҳал этиш борасида махсус комиссия тузилади.

• Кеча Швейцарияда ядро энергетикасига қарши кўп миң кишилиқ норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар мамлакатда янги атом станциялари қурилишига қарши чиқмоқдалар. 2013 йилда ўтказиладиган референдумда ушбу масала умумхалқ овозига қўйилади.

• Кеча Ямайка пойтахти Кингстонда мамлакат полицияси ва махсус хизматлар ходимлари йирик нарқобарон Кристофер Коукни қўлга олиш юзасидан кенг қўламдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширган бўлсалар-да, ҳозирча ўз мақсадларига эриша олмадилар. АҚШга қўйилган моддаларни етказиб берувчи энг йирик нарқобаронлардан бири ҳисобланмиш Коукни Ямайкадан чиқариб юборишни узоқ вақтдан буён Шимолий Америка маъмурияти талаб қилмоқда.

• Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган Цзянси музофотида темир йўл ҳодисаси юз берди. Йўловчи поездининг издан чиқиб кетиши оқибатида вагонлар ағдарилиб, 19 киши ҳалок бўлган, 70 дан ортик йўловчи жиддий тан жароҳати олган. Темир йўлда изнинг чўқиши юз берганлиги мазкур ҳодисага сабаб бўлган.

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

## СОҲАДАГИ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ

— Туманимизда истиқомат қилаётган 148,9 мингдан зиёд аҳолининг деярли 115 мингга яқини ишга лаёқатли ҳисобланади. Банд бўлмаганлар 1520 кишини ташкил этади, — дейди Х.Низомова. — Бизнинг асосий вазифамиз ҳам банд бўлмаган фуқароларни мониторинг асосида рўйхатга олиш ва ишга жойлаштиришдир. Бозор иқтисодиёти шароитида, қайд этиб ўтилганидек, меҳнат бозорига ҳам ишчи кучига бўлган талаб ўзгариб туради. Ишга жойлашиш муаммоси билан тўқнашган ҳар бир фуқаро малакасига мос, маоши қаноатли тирадиган жойни топиш осон эмаслигини яхши билади. Айниқса малакаси ҳам, ҳаттоки касби бўлмаган фуқарога керакли ёрдамни фақат бандликка кўмаклашувчи марказ бера олишини алоҳида эслаб ўтиш жоиз. Инқирозга қарши дастур доирасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар натижасида пойтахтимизда, шу жумладан туманимизда ҳам анча ишлар қилинди. Бу борада шаҳар ҳокимлиги ва прокуратура томонидан ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари энг самарали ва таъ-



бирчан тадбир бўлаётди. Жорий йилда тумандаги 154 та корхона ва ташкилот томонидан 736 та бўш иш ўрни мавжудлиги ҳақида маълумот берилган. Шулардан 610 таси ишчи касблар, 126 таси муҳандис-техник йўналиши бўйича. Ўтган уч ой мобайнида марказга 953 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, 650 нафари ишга жойлаштирилди, 186 нафарига малакали маслаҳат берилди. Бош бошқарма тасарруфидаги ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 101 нафар фуқаро йўланма билан ўқишга юборилди. Маълумот ўрнида айтиб ўтмоқчи, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрларини битирган, армия

хизматидан қайтган ёшларимиз ҳамда имконияти чекланганлар учун махсус қиёфа жойлари мавжуд ва бу тоифаларга кирувчи фуқароларимиз доимо диққат-этиборимизда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан жорий йил биринчи чораги давомида 1866 та янги иш ўрни яратилди. Улар асосан кичик корхона ва микрофирмалар, хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.

Марказимиз томонидан йил давомида иш самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ташкил этиш белгиланган. Баркамол авлод йили муносабати билан яқинда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Сергели политехника касб-ҳунар коллежиди «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаси уюштирилди. Бу тадбирда 33 та маҳалладан 120 дан зиёд киши, бундан ташқари, 320 нафар коллеж ўқувчилари қатнашди. 76 нафар кишига ишга жойлаштиришга йўланма берилди. Бундай тадбирлар маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида малакали мутахассисларимиз иштирокида ёшларни жалб қилган ҳолда давом этмоқда.

**СУРАТДА:** туман бандликка кўмаклашувчи марказ фаолиятдан лавҳа

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Долзарб минтақавий ва глобал муаммолар, жаҳондаги вазият ривожининг асосий тенденциялари, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ШХТнинг нуфузли халқаро тузилма сифатидаги мавқени янада мустаҳкамлаш, унинг бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Делегациялар раҳбарлари ҳозирги мураккаб вазиятда Қирғизистон халқи билан бирдам эканликларини изҳор этдилар. ШХТ мақомидаги хавфсизлик ва барқарорлик ушбу ташкилотга аъзо ҳар бир давлат, жумладан, Қирғизистон Республикасидаги хавфсизлик ва барқарорлик билан чамбарчас боғлиқдир. ШХТга аъзо давлатлар Қирғизистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини эътироф этган ҳолда, мазкур мамлакатга зарур ёрдам кўрсатишга ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Делегациялар раҳбарлари ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган мажлисдан кейинги вақт мобайнида Ташкилотни янада мустаҳкамлаш, унинг доирасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, ташқи алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. ШХТ минтақадда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш ШХТга аъзо давлатларнинг хавфсизлик борасидаги устувор вазифаси экани қайд этилди. Томонлар терроризм, айирмачилик ва экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланishi ҳамда трансмилий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканлигини тасдиқладилар.

Учрашув иштирокчилари терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланishi, трансмилий уюшган жиноятчилик таҳдидлари давом этаётган Афғонистондаги мураккаб вазият юзасидан жиддий ташвиш билдирдилар. Таъкидландики, Афғонистон билан боғлиқ муаммоларни ҳал этмай туриб, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаб бўлмайди.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги савий-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда БМТнинг етакчи ролини тасдиқлайди. Улар Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар ва БМТ шафёлигида ҳамда Афғонистон вакиллари иштирокида Афғонистон Ислом Республикасини тинч ва барқарор давлат сифатида шакллантиришга доир музокаралар жараёнини давом эттириш тарафдоридилар.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шароит яратиш, савдо, молия, энергетика, транспорт, коммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш минтақадда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасининг ташқи ишлар вазирилари томонидан маълумлаши ШХТ Хартияси мақсадлари ва тамойилларига, шунингдек, Ташкилот доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатлар қоидаларига риоя этиш мажбуриятини зиммасига оладиган минтақанинг бошқа давлатлари учун ШХТ очкилигининг тасдиғи бўлди. Мазкур Низомнинг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўладиган мажлисида тасдиқланиши Ташкилотни кенгайтириш механизминини шакллантириш жараёнининг бошланиши бўлади.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланишини (Тошкент, 2010 йил 5 апрель) қўллаб-қувватладилар. Мазкур декларацияда, БМТ Бош ассамблеясининг 2009 йил 18 декабрдаги А/64/183 сонли резолюциясида белгиланганидек, икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари ўз ифодасини топган.

ШХТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органлари хавфсизлик ва барқарорликни, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар ривожланишни таъминлаш масалалари бўйича БМТ, АСЕАН ва бошқа халқаро ташкилот ҳамда тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш тавсия этилди.

ШХТнинг Тошкент саммитида тасдиқланган Ташкилот процедуралари қоидалари ШХТнинг янада изчил ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи органлари ишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қарорлар ижроси самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

Ташкилот доирасида кузатувчи давлатлар ва ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари билан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

ШХТ Бош котиби М.Иманалиев Ташкилот Котибиятининг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги Ҳисоботни тақдим этди ва у делегациялар раҳбарлари томонидан маъқулланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирилари кенгашининг мажлиси аънавий дўстлик ва ўзаро ҳамжихатлик руҳида ўтди.

(ЎЗА)


## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари алоҳида ўрин тутди. Бу борадаги савий-ҳаракатлар иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқлари барқарорлигини таъминлаш билан бирга аҳолининг фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.**

«Central Asian Konstruktion» масъулияти чекланган жамияти илк фаолиятини беш-олти киши билан бошлаган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда 70 дан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Баркамол авлод йиллари уларнинг сафини ўнлаб йигит-қизлар билан кенгайтириш кўзда тутилган. Бугунги кунда корхона томонидан замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган бир марталиқ ошона жиҳозлари ва қадоқлаш ашёларига талаб ортиб бораётди. Кейинги пайтда

бундай маҳсулот турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозирда бир марта фойдаланиладиган 70 дан зиёд ошона идишлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг асосий буюртмачилари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси, кўплаб умумий овқатланиш субъектлари бўлиб, уларга шартнома бўйича нафақат совуқ ҳолдаги озиқ-овқатлар, балки иссиқ таомлар солишга мўлжалланган идишлар ҳам тайёрланмоқда. Сайёҳлик йўналишида ҳам

талаб ошиб бораётган мазкур жамият маҳсулотларидан ўтган йилда 3 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил учун тузилган буюртма шартномалари 10 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Талаб ва таклиф асосида иш юритилаётган мазкур корхонада йил охиригача Хитойдан янги дастгоҳ келтирилишига кўзда тутилган. Айтиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш кенгайтирилиши ҳисобига қўшимча 25 та янги иш ўрни яратилади.



## КАСБИМ — ФАХРИМ

**Давлатимиз раҳбари жорий йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилар экан, фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънан соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга, уйғун ривожланган инсонлар сифатида XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган авлод бўлиб вояга етиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш энг эзгу мақсадимиз, деб таъкидлаганди. Дарҳақиқат, ушбу мақсад йўлида самарали меҳнат қилиш, керак бўлса фидоийлик кўрсатиш — барчанинг бурчидир.**

— Бу борада Президентимиз ташаббуслари билан татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қанча улғувор ишлар амалга оширилганини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир, — дейди Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори Пулатхўжа Йўлдошев. — Тўққиз йиллик мактаб ва уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичларини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизими яратилди. Фарзандларимиз умумий таълим билан бирга замонавий касб-ҳунарга эга бўлмоқда. Хусусан, биргина бизнинг коллежимизда бешта йўналишдаги мутахассислар тайёрланади. Битирувчиларимизни эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштириш борасида турли тадбирлар уюштирилади. Жумладан, жойларда ҳамда шаҳар миқёсида касблар фестивали аъёнага айланиб бормоқда. Яқинда шу мавзуда бўлиб ўтган пойтахт тадбирида биз ҳам ўз имкониятларимизни намойиш этиб, мактаб битирувчилари ва уларнинг ота-оналарига коллежимиз ҳақида батафсил маълумот беришга, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан буклетлар орқали таништиришга ҳаракат қилдик. Битирувчиларимизни иш билан таъминлаш масаласига келсак, бу борада доимий ҳамкоримиздан Халқ банкнинг Тошкент шаҳар бўлими, шунингдек бошқа бир қатор молия муассасалари, аудиторлик фирмалари, хусусий бизнес субъектлари ҳам кўмак бўлмоқда.

Саҳифа материалларини Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

**Мустақиллигимиз шарофати билан заргару мисгарлар, ёғоч ўймакорларию ганчкорлар, кулолзодалар, гиламдўзу зардўзларимиз нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз ҳунарлари билан ўзбегим номини тараннум этиб келишмоқда. Улар орасида ёғоч ўймакорларининг иши ҳам алоҳида меҳр билан тилга олинади. Бу ҳақда «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур тумани босқичи ғолиби ёғоч ўймаkori Тоҳир Газиев қуйидаги фикрлари билан ўртоқлашди.**

## ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

— Асрлар оша меъморчилик обидаларида сақланиб қолган устунлар, рому эшиклар, музейлар экспонатларидан ўрин олган лаҳз ва қутилари кўрганимизда, аждодларимиз кўз ўнгимизда гавдалангандай бўлиб, уларнинг тинимсиз меҳнати маҳсулидан баҳра оламиз, ўғитларига ошно эканлигимизни ҳис этамиз. Қарангки, интеллектуал билимга эга инсонлар даври ҳисобланган XXI асрда ҳам неча-неча асрлар аввал қўл меҳнати билан яратилган ҳунармандчилик намуналари хануз қалбимизни сеҳрлаб, қўзларимизни қувнатиб келмоқда.

Ўз ҳунари сир-асрорларини пухта ўрганиш, доимий изланишда бўлиб, тажриба орттириш ва шу тариқа мукамаллик даражасига етишиш учун ҳунарманд авваламбор сабр-тоқатли бўлишни ўрганиши лозим. Бу хусусият эса узоқ йил-

лар давомида шаклланади, устозлари мададида сайқалланади. Уста номини олган бўлсанда, доимо изланишдан, тажриба орттиришга ҳаракат қиламан. Бизнинг ҳунар ўзига хос ўта синчковликни ҳам талаб қилади, негаки кўплаб жараёнларни ўз ичига олган аъёнавий ёғоч ўймакорлиги мактабига содиқ қолган ҳолда, бугунги замон услуб ва йўналишларини ҳам уйғунлаштиришни ўзганиш лозим.

Шу ўринда мустақиллик йилларида биз, ҳунармандлар учун яратилган кенг имкониятлар ҳақида гурур билан айтиш жоиз. Бу борада яқинда Юртбошимиз фармонлари билан халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш борасида солиқ имтиёзлари уайтирилганлиги бизни янада сермахсул ижод қилишга ундайди.



**«Баркамол авлод йили»**  
 Давлат дастурида қайд этилганидек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни турли иллатлар таъсири ва таҳдидидан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Келажакка наркотиксиз» лойиҳаси доирасида «Гиевандлик — умр заволи» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

### ГИЕВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ

Маънавият тарғибот маркази, Қизил Ярим Ой жамияти, «Камолот» ЕИХ Мирзо Улуғбек тумани бўлимлари томонидан Республика наркологи маркази ва ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирга мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари таклиф этилди. Тадбирда аср вабоси — гиевандликнинг оқибатлари ҳақида сўз бориб, ёшларни бу хатарли йўлдан асраш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, жумладан спорт билан машғул бўлишга ундаш лозимлиги қайд этилди.

Тадбир доирасида ўқувчиларнинг мавзуга доир деворий газеталари кўргазмаси, сахна кўринишлари намойиш этилди. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи бадий жамоаси ижросидаги кувноқ куй-қўшиқлар ҳам кенг даврага ўзгача файз киритди.

Гулором ҲАМИДОВА

### Маънавият сабоқлари

## ЭЗГУЛИКДАН ЯРАЛГАН ОЛАМ

Ҳар бир нашрга тайёрланаётган янги китоб минг бир машаққат, уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз дақиқалар, орзу-умидлар, шодлигу қувончларга йўғрилган ҳолда дунёга келади. Оқ қоғозга битилган дил номаларини ўқиганинг сари ундан нимадир ололсанг, ёзувчи меҳнатининг зое кетмаганига амин бўласан. Кўнглингга эзгулик уруғи сепилгандай бўлади. Бироқ шундай китоблар ҳам борки, баъзан сарф бўлган қоғозга, наشريёт меҳнатига ёхуд асар ёзувчининг ўзига ва кетган вақтига раҳминг келади. Энг ачинарлиси, у жавонларда чанг босиб ётаверади.

Аммо руҳшунос Нигора Муҳамедованинг «Сабр саҳроси» деб номланган китобини ўқиганинг сари онгу шууринг теранлашиб, дил губорларинг ариб, қалбинг равшанлашиб бораверади. Китоб саҳифалари эзгуликдан сўзлайди. Яхшилики тарғиб қилади, ҳалолликка чорлайди. Хасислик, жоҳиллик, фитна, гийбатдан, кибр ва тўхматдан, гуноҳи азимдан йироқ бўлишга даъват этади. Муаллиф покликни, ибтиҳонни, муқаддас дўстликни, меҳр-оқибатни бир-бирига боғлаб кўрсатишга ҳаракат қилган.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида юқорида номи келтирилган китобнинг тақдимоти ўтказилди. Қизғин мулоҳаза мушоҳадаларга бой тарзда ўтган тадбирда муаллифнинг яқинлари, дўстлари, журналистлар иштирок этди.

Шифокор, руҳшунос, космо-толог Нигора Муҳамедова ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ҳолда инсонларнинг кўнгли сирларини, дил нолаларини, шодлигу қувончларини узвий боғлаб ўқувчига ажойиб бир асар тўхта қилди.

Бундай қараганда оддийгина бир китоб. Бошқалардан фарқ қилмайдигандай. Бироқ ҳаёт фалсафаси, бугунги кун воқеалари билан боғлиқ, донишмандлар ривоятлари билан ўйгунлаштирилган битикларда ўзгирингни кўргандай бўласан киши. Билиб-билмай қилган халолларинг кўз ўнгингда намоён бўлади. Нимадир галаён қилади. Бу эса сени янада тийрақроқ бўлишга ундайди.

Ҳаётининг минг битта кўчасини муаллиф шундай гўзал ва ишонарли қилиб таърифлаб беришга ҳаракат қилганки, ўқиб, беихтиёр ўзингни, ўзгирингни, виждонингни асрагинг келиб кетади.

Албатта, баъзи бир воқеаларда ривоятлар ўзгартириброк берилган. Муаллиф бунда ҳам кўнгли самимийлигига қўлоқ солган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, яна битта янги китоб яратилди ва мухлислар эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу эса муаллифнинг ютуғи.

— Мен одамлар билан мулоқот қилар эканман, уларнинг

ички оламига кириб яшаётгандай сезаман ўзимни, — дейди Нигора Муҳамедова. — Мулоқотим давомида шу нарсага амин бўлдимки, одамзот ҳаётининг ўзи бир неъмат, тириклик эса бахт. Инсон ҳар бир ўтаётган кунига, ташлаётган қадамига, ҳаттоки ўйлаётган ўйига ҳам шукрона келтириб яшаш лозим экан. Халоларсиз ҳаётнинг ўзи йўқ. Кимгадир озор берамиз, яна кимгадир бахт ато этамиз. Умид қиламанки, ушбу китобим ўқувчиларга манзур бўлади ва уларнинг қалбига эзгулик нурини сочишда кўмаклашади. Бу кўрраи заминда бир-биримизнинг қадримизга етиб яшайлик...

Ҳа, китоблар дил ойнаси. Унда гўзаллик, нафосат, садоқат, яхшилик доимо кадр топади. Разолат, қабоҳат, ёмонлик қораланади. Ўқувчи эса қалбидаги ҳис-туйғуларини баъзида китоблар билан боғлайди, таскин топади ва уларга суянади. Ишонамизки, Нигора Муҳамедованинг китоби ҳам ўқувчиларнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олади ва яхшиликка хизмат қилади.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

### Анжуманлар

## «ХОНАТЛАС – 2010»

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Хонатлас-2010» фестивали ўтказилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивал ўзбек халқининг миллий матоси ҳисобланган хонатласнинг хусусиятлари ва қулайликларини кенг оммага тарғиб қилишга қаратилган.

Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва бебаҳо тарихимизни ёшлар онгига сингдириш, уларда миллийлигимизга нисбатан ҳурмат ва садоқат туйғусини шакллантириш энг олий мақсадлардан биридир. Фестиваль доирасида ўтказилган илмий-амалий анжуманда шу хусусда сўз борди. Унда иштирок этган мутахассислар ва ёш олимлар илмий-тадқиқот ишлари билан ўртоқлашиб, хонатласнинг пайдо бўлиш тарихи, ишлаб чиқариш технологиясидаги ютуқ ва камчиликлар, бўша ва қайта ишлов бериш жараёнларининг бориши, мазкур матодан замонавий дизайндаги либослар яратиш масалаларини атрафлича таҳлил этишди.

Кўргазмада хунармандлар томонидан яратилган турли нақш ва рангдаги хонатлас, адрес, бекасам ва бошқа миллий матолар намойиш этилиб, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалда талабалар, касб-хунар коллеж ўқувчилари ва ёш дизайнерлар томонидан биргина хонатласдан тикилган 60 дан ортиқ либослар намойиш қилинди.

«Туркистон-пресс»

### НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган кўриктанлов шундай номланди.

Унда Тошкент маданият коллежи ҳамда Глиэр номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг зукко қизлари иштирок этди.

Турли хил номинациялар бўйича ўтказилган тадбирда қизлар ўзларининг бор иқтидор ва маҳоратини ишга солдилар. Ёш санъат гунаҳарининг ҳар бир чиқишлари олқишларга сазовор бўлди.

Танлов сўнига гойибларга «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси маъмурияти томонидан ёрликлар ва совғалар топширилди.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

### КЕЛАЖАГИНГ ЎЗ ҚЎЛИНГДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда «Келажагинг ўз қўлиңгда» шиори остида давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари бўлиб ўтмоқда.

Ушбу тадбирлар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими томонидан ҳамкорликда ташкил этилаётган бўлиб, асосий мақсад оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларида ўсмир ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, бу борада дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ш.МУҲСИМОВА

## МАҲОРАТИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Ҳар бир инсон гўзалликка интилиб яшайди, нафақат ички дунёси, балки ташқи кўриниши ҳам гўзал бўлишини истайди.

Инсон ташқи гўзаллигининг яратилишида сартарошнинг ҳиссаси беқиёс. Гўзал кўринишда фақатгина миллий либос ёки пойабзалгина эмас, ўзига ярашган, дид билан турмакланган соч ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, юртимизда кейинги йилларда сартарошлар фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди, талабга яраша таклиф деганидек, гўзаллик салонлари кенг тус олди. Қувончлиси, ушбу соҳани ёшларга мукамал ўргатиш мақсадида бир нечта коллежлар ихтисослаштирилди. Сартарошлар ва косметологлар ассоциацияси самарали фаолият олиб бораётганлигини ҳам

айтиб ўтиш ўринли. Мазкур тузилма ташаббуси билан сартарошхоналар усталари ўртасида мунтазам кўриктанловлар йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг куз фаслида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Европа-2010» сартарошлар чемпионати бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз шарафини ҳам шаҳримиз Фарруҳ Шомуродов ҳимоя қилади.

Кунни кеча «New bopond house» гўзаллик саломида ушбу соҳани ривожлантиришининг аҳамиятига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Сартарошлар ва косметологлар ассоциацияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳридан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва

вилоятлардан иштирок этган 30 нафардан ортиқ маҳоратли сартарошлар томонидан соч турмаклаш ҳамда косметология соҳаси бўйича янгиликлар намойиш қилинди.

— Бундай тадбирларни мунтазам ташкил этиш фойдалан холи бўлмайди, — дейди ассоциация раиси Фарруҳ Шомуродов. — Ҳеч бир инсон йўқки, сартарош хизматидан фойдаланмаган бўлсин. Албатта, аёлми, эркакми, ўзига оро беришни, гўзал бўлишни орзу қилади. Шу боис ҳам сартарошларимиз нияҳяда маҳоратли бўлиши, янги-янги соч турмакларини ўзлаштириши, кези келганда косметология сирларини ҳам яхши билиши лозим. Шу тўғрисида бундан кейин ҳам турли хил

тадбирлар, кўриктанловларни ўтказиб боришни режалаштирдик. Семинар доирасида халқаро чемпионатда қатнашишга шайланган Фарруҳ Шомуродовнинг намойиш этган турли хил усулдаги соч турмаклари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

— Ҳар бир инсон ҳаётини турли хил тадбирлар бўлади, албатта, — деди Фарруҳ Шомуродов. — Кимдир тўйга бошқача, туғилган кун маросимига бошқача соч турмаги билан боргиси келади. Аслини олганда, соч турмаклашнинг турлари жуда кўп. Бироқ миқознинг кўнглидагидек соч турмаклашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир сартарош мудом изланишда бўлиши керак, деб ўйлайман. Мен Санкт-Петербургда ўтайдиган мусобақага жиддий ҳозирлик қўриб, совринли ўринлардан бирини эгаллашга ҳаракат қиламан.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ СУРАТДА: анжумандан лавҳа Темур Зиядинов олган сурат

Ушбу шиор остида «Авиасозлар» маданият саройида Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан кўргазма ўтказилди.

### КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

### ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида «Ёшларни ижтимоий-салбий таҳдидлардан ҳимоя қилишни такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ички ишлар вазирлиги академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий саводини ошириш, улар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари ечим топишида кўплаб масъул ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

— Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда пойтахт ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирини ИИББ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Бах-

тиёр Эгамбердиев. — Бунда биргина ўсмир ёшдагилар учун ўтказилаётган махсус тадбирларни мисол келтириш мумкин. Ўқувчиларни дарсга қатнашиши, интернет клубларида вақти-бевақт бўлиши мониторинги, таътил оларидан уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш борасида спорт мажмуаларига янада кўпроқ жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, тарбияси оғир ва кам таъминланган оила фарзандларини спортга қизиқтириш юзасидан ҳам режалар ишлаб чиқилмоқда.

Наргиза АСАДОВА

Олти мингдан зиёд мактаб ўқувчиси жалб этилган ушбу тадбирда тумандаги тўққизта мактабдан ташқари, таълим муассасаси ўқувчилари ижодий ишлари билан иштирок этди. Шунингдек, фан тўғрисидаги спорт мажмуалари ва мактаб қошидаги оромгоҳлар ҳам чиқишлар қилди.

Бугунги кунда Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидига 13 та ўқувчилар ижодий марказида 2500 га яқин тўғрарак фаолият юритмоқда. Уларга 28 мингдан ортиқ ўқувчилар жалб қилинган. Ёш авлоднинг ижоддонисига айланган бу марказларда тасвирив ва амалий санъат, бадий эстетик тарбия, техника ижодкорлик, экология, адабиёт ва бошқа турли йўналишлардаги тўғрарак ва студиялар мунтазам фаолият юритмоқда.

— Яқинда «Куч — билим ва тафаккурда» шиори остида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган кўргазманинг узвий давоми саналган туман тадбири ўқувчиларнинг ёзги таътилда бўш вақтини мароқли ўтказиши ва турли касб-хунар сирларини ўрганиши учун ўтказилапти, — дейди туман халқ таълими бўлими мутахассиси Фотима Бекмуродова. — Биз

ижодий марказларида ўқувчиларга илмунар ўргатиш билан бирга уларда авваламбор ижодкорлик салоҳиятини намоён этишга, ватанпарварлик ҳиссини чуқурлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Кўргазмада на кўзланган мақсад «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, гиевандлик ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ёзги дам олиши мазмунли ташкил этишдан иборат. Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

Жорий йилда юртимиз бўйича 812 болалар оромгоҳида 245 минг нафар ўғил-қиз дам олади.

Пойтахтимизда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган семинар-га Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оромгоҳлар раҳбарлари таклиф этилди.

нинг ёзги дам олиш оромгоҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни озик-дам олиши режалаштирилган. Ёзги мавсум давомида серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фар-

мунтазам ўтказиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди. — Оромгоҳимиз 2009 йил якунлари бўйича энг яхши болалар дам олиш масканларидан бири сифатида эътироф этилди, — дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидоғи «Нефтчи» оромгоҳи раҳбари Файзулло Кудратов. — Бутун дам олиш мавсумида минг нафардан ортиқ бола, шу жумладан, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Дам олиш масканимиз жорий мавсумда ҳам болаларни қабул қилишга тайёр.

Семинар-кенгашда 2010 йил ёзги соғломлаштириш мавсумида касаба уюшмалари ташкилотларининг вазифалари, оромгоҳларда хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати хизмати, санитария-гигиена чора-тадбирлари ва бошқа дам олиш шароитлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, болалар дам олиш масканларини малакали, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар билан таъминлашга оид масалалар атрофида муҳокама этилди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О.Муҳиддинова, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни замон талабларига мос билимли, юксак салоҳиятли ва маънавиятли қилиб тарбиялаш билан бирга уларнинг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар юксак самара бераётганини таъкидладилар. Юртимизда болалар-

овқат ва дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ, болалар ёзги дам олиш масканларининг фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этиш, ёзги мавсумда ўқувчи-ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни билими, иқтидори ва лаёқатига кўра тўғарақларга жалб этишга оид чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб бораётган. Жорий йилда юртимиз бўйича жами 812 болалар оромгоҳида 245 минг нафар ўғил-қиз

зандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини болалар оромгоҳларида соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 3 минг нафар бола пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги сўлим оромгоҳларда бепул хордиқ чиқариши кўзда тутилган. Семинарда оромгоҳлардаги маънавий-маърифий ишларни юксак даражада ташкил этиш мақсадида миллий адабиёт ҳафталиклари, спорт мусобақалари, ижодий-интеллектуал викториналар, кўрик-танлов ва фестивалларни

Нозоқат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган X анъанавий ўзбек-корейс рассомлари кўрғазмаси якун топди.

КЕЙИНГИ КЎРҒАЗМА КОРЕЯДА БЎЛАДИ

— 1995 йилдан бери ўтказиб келинаётган кўрғазма кўп рассомларни илҳомлантирган, янги ижодга ундаган, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига корейлик рассом Ким Кён-Сун. — Тошкентга келаётганимизда, Самарқанд, Бухоро, Хива каби гўзал ва дунёга машҳур шаҳарларни саёҳат қилиш ҳамда янги ишлар яратиш режада бор эди. Шунга амин бўлдимки, ўзбек рассомлари ҳаёлотдан кўра ҳақиқатни кўпроқ тасвирлашади. Чунки бу ўлка чиндан чиройли ва тавсифига тил ожиз. Кўрғазма баробарида кўп асарлар дунёга келди, энди Корейга қайтган Сеулда Ўзбекистонга бағишланган кўрғазма ташкил этилди. Кўрғазмада қирқдан зиёд корейлик рассомлар иштирок этди. «Оппок табассум» номи мойчечаклар тасвир-

ланган ижод намунаси билан иштирок этган Ким Кён-Сун хоним табиати жонланган расмлар чизишга қизиқади. У Ўзбекистонга келиб, дарактлар кўплигидан қувонганини ва бу унга янги ишларида илҳом бераганини айтди. Тадбир якунида Ким Кён-Сун каби фаол иштирок этган бир гуруҳ рассомлар тақдирланди. Жу Мён-Сукнинг «Ҳис», Чве Ён-Хвнинг «Таклиф», Хан Синг-Хвнинг «Кундалик», Чве У-Соннинг «Орзу дарахти» каби ишлари мухтаassisлар томонидан юксак баҳоланди. Маросимда сўзга чиққанлар мазкур кўрғазма икки халқ маданий алоқаларини янада яқинлаштириши билан аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Рахшона ТОШПҲЛАТОВА



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Нодон амал учун борини тикар, Оқил қадри учун орини тикар. \*\*\*
Кулни шопирганинг жисми кул бўлур, Пулни совургани исми кул бўлур. \*\*\*
Мезбоннинг меҳрига қилдими гумон, Остонадан қайтди омонат меҳмон. \*\*\*
Шараф қайда, шон қайда дема, Сувдан сувга ўтгайдир кема. \*\*\*
Ойнинг ўроғида тиг йўқдир, билсанг, Ўзгага малолмас, ўзингдан кулсанг. \*\*\*
Ким сийлаб айтади, ким тиглаб айтар, Гар қандоқ айтилса, бил, шундоқ қайтар. \*\*\*
Чашмани косалаб тамом қилмайсан, Худонинг кўнгли кенг, нечун билмайсан? \*\*\*
Қалам қитирласа сиёҳ сўрайди, Шоирдан шеър отлик гиёҳ сўрайди. \*\*\*
Сўздаги саломнинг садоси бордир, Кўздаги саломнинг шифоси бордир. \*\*\*
Сут билан кирган жон билан чиқар, Қон билан кирган шон билан чиқар. \*\*\*
Балки бойлик билан юз йил яшарсан, Илму ҳикмат билан мингдан ошарсан. \*\*\*
Тонгдан тилаганинг оппоқ нур бўлсин, Шабнамлар кафтингда мисли дур бўлсин. \*\*\*
Қошу қабоғинга тошлар осмагин, Йўқлаб келган бахтнинг барин босмагин. \*\*\*
Майсанинг муроди хазон эмасдир, Тулпорлар бир умр хазон эмасдир. \*\*\*
Чумчуқлар пириллаб учгани учган, Мусича ҳаловат сувини ичган. \*\*\*
Нечун томошага ўчдир оломон, Ёлгонни ёғлаб кўрсатар шайтон. \*\*\*
Орзу йўлга чиқиб пўшлайверади, Имкон ортда тилин тишлайверади. \*\*\*
Дафтар хошияси қирғоққа ўшар, Сўзлар дарёсига кўксини тўшар. \*\*\*
Омонат бировнинг жонидек гапдир, Хиёнат қилмасанг сенга шарафдир. (Давоми бор)

Спорт янгиликлари

ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди.



рат Абдуллаев, Алишер Маҳмудов, Асил Шарипов, Шаҳриёр Исоқов, Камолитдин Аҳмедов, Фазлиддин Гойибназаров, Сардор Абдуллаев ва Муҳаммадсуф Саидовларга ўз вази тоифаларида тенг келадиган рақиб топилмади. Энди боксчиларимиз 2012 йилги Лондонда уюштирилаётган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлнамасини кўлга киритиш мақсадида халқаро турнирларда терма жамоамиз сафида ҳаракат қилишади.

Дарвоқе, Жаксон халқаро турнирида Россия, Эрон, Қозоғистон, Хитой Тайпейи боксчилари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди. Хулоса қилиб айтганда ушбу халқаро турнир ўзбек бокс мактабининг бутун жаҳонда ўз ўрнига эга эканлигини яна бир карра исботлади. (Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: халқаро турнир беллашувларидан лавҳа. Козим Улмасов олган сурат

қарли ва шиддатли курашлар остида кечган учрашувда Равшан Ҳайдаров шогирдлари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Дарвозаларга голларни «Шўртан»дан — Мегреладзе (пенальти), «Пахтакор»дан — Аҳмедов ва Ҳуновлар киритишди. Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Металлург» — 3:3, «Насаф» — «Машал» — 3:1, «Қизилқум» — «Олмалик» — 1:0, «Динамо» — «Навбахор» — 1:0. «Локомотив» — «Хоразм» жамоалари учрашуви билан 10-тур бахслари якунига етди. Мамлакат XIX миллий чемпионати 11-тур беллашувлари 27, 28, 29 май кунлари бўлиб ўтди.

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осий чемпионатида иштирок этган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Гап шундаки, қитъамизнинг энг сара полвонлари голиблик учун беллашган ушбу нуфузли турнирда спортчиларимиз 1 та кумуш, 4 та бронза медалини кўлга киритишди. Жумладан, эркин кураш бахсларида ўз вази тоифаларида Насибулла Курбонов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Ихтиёр Наврўзов бронза медал билан кифояланди. Юнон-рум кураши беллашувларида эса ўз вази тоифаларида иштирок этган полвонларимиз Санжарбек Жумашев, Михаил Всеволд ҳамда Нўмонжон Абдуллаев бронза медаллари билан тақдирланишди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЕТАКЧИЛАР ЗАФАР КЎЧИШДИ

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 10-тур беллашувлари етакчи командалар — «Бунёдкор» ва «Пахтакор»га муҳим очколарни тақдим этди.

Тошкентда «Андижон» жамоаси билан куч синашган амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси аъзолари 90 дақиқа мобайнида устунлик қилишди ва бразилиялик футбол юлдузи Ривалдо томонидан киритилган гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар кўчиб муҳим уч очкога эга бўлишди. Турнир жадвалида «Бунёдкор»ни таъкиб этиб келаётган «Пахтакор» Фузурда «Шўртан» жамоаси меҳмони бўлди. Қизи-

тилган гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар кўчиб муҳим уч очкога эга бўлишди. Турнир жадвалида «Бунёдкор»ни таъкиб этиб келаётган «Пахтакор» Фузурда «Шўртан» жамоаси меҳмони бўлди. Қизи-

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Пойтахтимиз яна бир нуфузли турнир — футзал бўйича Осий чемпионатида мезбонлик қилмоқда.

Қитъамизнинг 16 та терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ва Тошкент Ахборот технологиялари университети спорт залида беллашмоқда. Утган ҳафтанинг яқинба кун гуруҳ бахсларининг биринчи тур беллашувлари бўлиб ўтди. Ливан терма жамоаси билан куч синашган мамлакатимиз футзалчилари рақибларини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб зарур очколарни кўлга киритди.

Осий чемпионати гуруҳ бахсларининг биринчи турида қуйидаги натижалар қайд этилди: Хитой Тайпейи — Индонезия — 1:6, Эрон — Тожикистон — 19:2, Қувайт — Австралия — 2:4, Таиланд — Қирғизистон — 4:2, Вьетнам — Жанубий Корея — 7:3, Япония — Хитой — 5:1, Туркманистон — Ироқ — 5:3. Осий чемпионати гуруҳ беллашувларининг иккинчи турида ҳамюртларимиз Индонезия терма жамоаси билан куч синашади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 5886 туслада босилди. Кўча бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашриёт-нотиба акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1 2 3 5